



**КРИМИНОГЕН ВАЗИЯТИ МУРАККАБ МАҲАЛЛАЛАР: ХУҚУҚНИ
МУХВОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ВА БОШҚА
ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МАҲАЛЛАДА ХАВФСИЗ МУХИТИНИ
ЯРАТИШ ЮЗАСИДАН ЎЗARO ХАМКОРЛИГИНИ САМАРАЛИ
ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МЕХАНИЗМЛАРИ**

Джагбаров Алижон Зунинходжаевич

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси

Магистратура тингловчиси

***Аннотация:** Ушбу мақолада криминоген вазияти мураккаб («қизил») маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва хавфсиз муҳитни яратишда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш масалалари тизимли таҳлил қилинади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 августдаги ПҚ-253-сон қарори доирасида жорий этилган бошқарув вертикали, «намунавий хавфсиз кўча» ва «намунавий хавфсиз уй» лойиҳаларининг мазмун-моҳияти, уларни амалиётга татбиқ этишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари ўрганилган. Мақолада анъанавий назорат усуллари рақамлаштирилган ва илмий асосланган ижтимоий профилактика механизмига ўтиш масалалари янги илмий қарашлар, хориж тажрибаси (CPTED концепцияси) ва статистик маълумотлар асосида асосланган*



ҳамда миллий қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган тақлифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: *криминоген вазият мураккаб маҳалла, ПҚ-253-сон қарор, шахсий масъулият, маҳалла еттилиги, ижтимоий профилактика, СРТЕД концепцияси, «қизил» маҳалла, рақамли мониторинг, КРІ тизими, криминологик аудит, идоралараро ҳамкорлик.*

Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва фуқароларнинг тинч-осойишта ҳаётини кафолатлаш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан биридир. Айниқса, давлат бошқарувини маҳалла даражасига тушириш, «маҳаллабай» ишлаш тизимини ривожлантириш шароитида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тубдан янги босқичга кўтарилди. Бироқ, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноят ижтимоий омилларини бартараф этиш вазифаси фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар куч-воситалари билан тўлиқ ҳал этилмайди. Чунки жиноятнинг келиб чиқиши ижтимоий-иқтисодий, психологик, маданий ва инфратузилмавий омиллар билан чамбарчас боғлиқдир.

Шу нуқтаи назардан, криминоген вазияти мураккаб бўлган маҳаллаларда вазиятни барқарорлаштириш учун маҳаллий ҳокимликлар, соғлиқни сақлаш, бандликка кўмаклашиш, таълим муассасалари ва бошқа давлат ҳамда жамоат ташкилотлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини кучайтириш зарурати юзага келди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 августдаги «Криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олиш бўйича манзилли чоралар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-253-сон қарори ушбу йўналишдаги бошқарув тизимини тубдан ислоҳ қилди¹. Мазкур ҳужжат билан илк бор маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш учун маҳаллий ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар ҳамда мамлакатнинг етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарларининг **шахсий жавобгарлиги** вазифалар кесимида аниқ белгилаб берилди. Мазкур қарор ижроси доирасида криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш механизмининг назарий ва амалий асосларини тадқиқ этиш, раҳбарларнинг шахсий масъулияти концепциясини илмий баҳолаш ва ҳамкорликни рақамлаштириш орқали самарадорликни ошириш йўлларини кўрсатиб берилди.

Криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олиш ва ижтимоий профилактика субъектларининг ўзаро ҳамкорлиги масаласи дунё криминологиясида кенг ўрганилган йўналишлардан биридир. Маҳаллий олимлардан профессор Т.Р.Бобожонов ўз тадқиқотларида таъкидлайдики, жиноятчилик профилактикасида муваффақиятга эришишнинг бош омили — бу ижро интизоми ва бошқарув кадрларининг жавобгарлиги тизими билан бевосита боғлиқдир². Унинг фикрича, агар раҳбарларнинг масъулияти умумий характерда бўлса, жойларда «масъулиятни бир-бирига ағдариш» (диффузия ответственности) феномени



юзага келади. ПҚ-253-сон қарори айнан шу бўшлиқни тўлдириб, ҳар бир соҳа раҳбарининг конкрет вазифасини белгилаб берган.

Ғарб криминологиясида маҳалла ва шаҳар хавфсизлигини таъминлашда инфратузилманинг аҳамияти «Атроф-муҳит дизайни орқали жиноятчиликнинг олдини олиш» (CPTED – Crime Prevention Through Environmental Design) концепцияси доирасида жуда ривожланган. Ушбу мактабнинг етакчи намояндаси Ж. Рэндалнинг фикрича, жамоат жойларини тўғри ёритиш, худудий тўсиқларни оқилона қуриш ва рақамли назорат (видеокузатув) тизимларини ўрнатиш жиноят содир этиш иштиёқида бўлган шахсларда «риск даражаси юқори» деган туйғуни уйғотади ва криминоген фаолликни 30 фоиздан 40 фоизгача пасайтиради [3].

Бошқарув ва ҳуқуқий фанлар доктори З.М. Мустафоев эса «маҳалла еттилиги» институтининг шаклланиши ва унинг давлат органлари билан ҳамкорлигини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан баҳолаган [4]. Олимнинг фикрича, криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда фақат куч ишлатиш усуллари билан натижага эришиб бўлмайди; у ерда «интеллектуал ва ижтимоий профилактика» модели устувор бўлиши шарт. Бу эса ўз навбатида, илмий муассасаларнинг салоҳиятини маҳаллабай тизимига жалб қилишни тақозо этади.

Шунингдек, хорижлик олимлар К. Харрис ва М. Левин ўзларининг кўшма тадқиқотларида «кўп идорали ҳамкорлик» (multi-agency partnership) моделини илгари суришади. Уларнинг фикрича, жиноятчиликка қарши



курашда полиция, ижтимоий хизматлар ва маҳаллий ҳокимият органлари ягона электрон платформа орқали маълумот алмашгандагина жиноятларнинг барвақт профилактикаси самара беради [5].

ПҚ-253-сон қарорининг энг муҳим ҳуқуқий янгиликларидан бири — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимларининг криминоген вазияти мураккаб маҳаллалардаги осойишталик учун **шахсан масъул** этиб белгиланиши бўлди [1]. Илгари ҳокимликлар жиноятчилик профилактикасига фақат ёрдамчи субъект сифатида қараган бўлса, янги тизимга кўра, улар ҳар бир мураккаб маҳалла кесимида **ойлик «йўл хариталари»** ишлаб чиқилишига ва уларнинг молиявий ҳамда ташкилий ижросига жавобгардирлар.

Ҳокимлар зиммасига юклатилган асосий стратегик вазифалар қуйидагилардан иборат бўлди, яъни **«Намунавий хавфсиз кўча» лойиҳасини амалга ошириш**: Бунда кўчаларнинг тўлиқ ёритилиши, пиёдалар йўлакларининг хавфсизлиги ва интеллектуал видеокузатув тизимлари билан қамраб олиниши назарда тутилади. **«Намунавий хавфсиз уй» лойиҳасини жорий этиш**: Кўп қаватли уйларнинг йўлакларига (подъездларига) домофон ва камералар ўрнатиш, ҳовлиларда болалар майдончаларини хавфсиз лойиҳалаштириш белгилаб берилди. Амалий маълумотларга кўра, 2025 йил давомида маҳаллий бюджет маблағлари ва ҳокимликларнинг шахсий назорати остида ушбу лойиҳалар жорий этилган



«қизил» тоифадаги маҳаллаларда умумий жиноятлар сони, хусусан, тунги вақтда содир этиладиган безорилик, талончилик ва ўғрилиқ ҳолатлари ўртача **20-25 фоизга қисқарган** [6]. Бу юқорида тилга олинган халқаро CRTED (атроф-муҳит дизайни орқали жиноятчиликнинг олдини олиш) концепциясининг Ўзбекистон амалиётидаги муваффақиятли намоёнидир.

Қарорга мувофиқ, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда «**ижтимоий профилактика**» тизимини тўғри йўлга қўйишга шахсан жавобгар қилинди [1]. Юрист-олим С.А. Исоқов таъкидлаганидек, анъанавий профилактика фақат ҳуқуқий тақиб ва жазо чораларига таянган бўлса, ижтимоий профилактика жиноятнинг иқтисодий ва маиший илдизларига зарба беради [7]. Мураккаб маҳаллаларда ижтимоий профилактика субъектларининг ҳамкорлик модели қуйидаги жадвалда ўз аксини топган:

<p>Ҳамкор ташкилот (Субъект)</p>	<p>Ижтимоий профилактикадаги конкрет вазифаси</p>	<p>Боғлиқ бўлган жиноят омили</p>
<p>Бандликка қўмаклашиш маркази</p>	<p>Ишсизларни касбга ўқитиш, субсидиялар бериш ва доимий иш билан таъминлаш.</p>	<p>Ишсизлик оқибатида содир этиладиган ўғрилиқ ва фирибгарлик.</p>



Ҳамкор ташкилот (Субъект)	Ижтимоий профилактикадаги конкрет вазифаси	Боғлиқ бўлган жиноят омили
Соғлиқни сақлаш тизими (Тиббиёт пунктлари)	Спиртли ичимликлар ва наркотик моддаларга қарам шахсларни, рухий касалликларни мажбурий/ихтиёрий даволаш.	Мастлик оқибатида содир этиладиган оғир тан жароҳати ва қотиллик.
Мактаб ва мактабгача таълим бўлимлари	Давомадни назорат қилиш, вояга етмаганларнинг бўш вақтини тўғарақлар билан банд қилиш.	Назоратсизлик туфайли келиб чиқадиган ёшлар жиноятчилиги.
Маҳалла еттилиги (Хотин- қизлар фаоли, Оқсоқоллар)	Низоли, ажрим ёқасидаги оилалар билан индивидуал ишлаш, яраштириш комиссиялари фаолияти.	Оилавий-маиший низолар замиридаги зўравонлик.

Ички ишлар вазирлигининг 2025 йил якунлари бўйича тезкор статистикаси шуни кўрсатадики, ушбу ижтимоий ҳамкорлик механизми орқали оилавий-маиший муносабатлар доирасида содир этиладиган оғир



турдаги жиноятлар сони олдинги йилларга нисбатан сезиларли даражада барқарорлашган [6].

Илмий муассасалар билан интеграция: «Илмий хулоса — тавсия — натижа» тамойили асосида ПҚ-253-сон қарори криминология соҳасига мутлақо янги, илғор амалиётни олиб кирди. Унга кўра, республиканинг энг етакчи илмий ва таълим муассасалари раҳбарлари криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларга шахсан бириктирилди:

1. **Ўзбекистон Республикаси Криминологик тадқиқот институти**
2. **Ички ишлар вазирлиги Академияси**
3. **Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси**
4. **Тошкент давлат юридик университети**
5. **Жамоат хавфсизлиги университети**

Криминология фанлари доктори, профессор У.В. Валиев ушбу жараёни «профилактика тизимининг интеллектуаллашуви» деб атайди [8]. Илмий муассасалар раҳбарлари маҳаллабай тизимида қуйидаги илмий-амалий алгоритмни амалга оширмоқдалар, Маҳалланинг "Криминологик паспорти"ни тузиш ва вазиятни илмий диагностика қилиш орқали - жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини математик ва статистик моделлаштириш - профилактика инспектори ва маҳалла етилиги учун "Манзилли методик тавсиялар" ишлаб чиқиш - Ҳокимлик ва ИИО билан биргаликда тавсияларни амалиётга татбиқ этиш ва натижани мониторинг қилиш.



Илмий ёндашувнинг самарадорлиги шундаки, у «кўр-кўрона» патруллик қилишдан воз кечиб, аниқ мақсадли ва профилактик кучларни тўғри тақсимлаш имконини беради. Масалан, ТДЮУ ва Криминология тадқиқот институти олимлари томонидан 2025 йилда бириктирилган маҳаллаларда ўтказилган криминологик таҳлиллар натижасида муайян ҳудудларда жиноятларнинг 70 фоизи айнан ёшлар ўртасидаги бандлик ва маданий ҳордиқ масканларининг йўқлиги сабабли содир бўлаётгани аниқланган. Ушбу маҳаллаларда ҳокимликлар билан ҳамкорликда спорт майдончалари ва коворкинг марказлари ташкил этилгач, жиноятчилик кўрсаткичи **15-20 фоизга камайган** [9].

Бундан ташқари Рақамли технологиялар ва электрон мониторинг платформалари замонавий бошқарувда раҳбарнинг шахсий масъулияти фақатгина қоғоздаги ҳисоботлар билан ўлчанмаслигини бевосита исботлаб келмоқда. Давлат органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг самарали механизми бу — рақамли интеграциядир.

Ахборот технологиялари ва геоинформацион тизимлар бўйича эксперт Э.Д. Ҳакимов таъкидлаганидек, жиноятчиликнинг олдини олишда **GIS (Geographic Information Systems)** технологиялари асосида яратилган рақамли хариталар жуда муҳим [10]. Шу ўринда ПҚ-253-сон қарори ижроси доирасида яратилган электрон тизим қуйидаги имкониятларни беради иккита рақамли назорат ва таҳлил механизминини яратиб берди:



Биринчидан - «Қизил» маҳаллаларнинг онлайн мониторинги: Ҳар бир жинойт содир этилган вақти ва жойи бўйича тизимга (электрон харитага) киритилади.

Иккинчидан - Раҳбарлар фаолиятини шаффоф баҳолаш: Вилоят ва туман ҳокимлари, прокурор ва ИИБ бошлиқларининг ойлик «йўл хариталари»даги тадбирлар ижроси электрон платформа орқали назорат қилинади. Ҳар бир бажарилмаган банд раҳбарнинг шахсий рейтингига (KPI) салбий таъсир кўрсатади.

Бу тизимнинг жорий этилиши раҳбарлар ўртасидаги кўзбоямачилик ва ҳисоботларни сохталаштириш хавфини минималлаштирди ҳамда ижро интизомини **90 фоиздан** оширди.

Хулоса ўрнида Криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш бўйича маҳаллий ҳокимликлар, давлат органлари ва илмий муассасалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш тизими жинойтчиликнинг барвақт олдини олишда мутлақо янги ва самарали бошқарув модели эканлигини исботлади. 2025 йил давомида эришилган натижалар ушбу тизимнинг динамик ва барқарор эканлигини кўрсатмоқда. Бироқ, мазкур ҳамкорлик механизмларини янада такомиллаштириш ва ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида **илмий-амалий йўанилшларни KPI тизимини қонунчилик даражасида мустаҳкамлаш:** Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва сектор раҳбарларининг фаолиятини баҳолашда маҳаллаларнинг криминоген тоифаси ўзгаришини



(«қизил»дан «сарик» ёки «яшил»га ўтишини) энг асосий мезон (Key Performance Indicator) сифатида Маъмурий жавобгарлик ва Давлат бошқаруви тўғрисидаги қонунчилик нормаларига интеграция қилиш лозим. Шунингдек **«Илмий-криминологик аудит» институтини жорий этиш орқали:** Маҳаллаларда ойлик «йўл хариталари» ишлаб чиқилишидан олдин, илмий муассасалар томонидан мажбурий равишда ҳудуднинг криминологик аудити ўтказилиши ва ҳокимликлар томонидан ажратиладиган маблағлар айнан ушбу аудит хулосасига асосан йўналтирилиши қонун билан белгилаб қўйилиши лозим бўлади. Шу билан бирга **Идоралараро «Big Data» (Катта маълумотлар) тизимини яратиш орқали:** ИИБ, Бош прокуратура, Соғлиқни сақлаш, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирликларининг электрон базаларини интеграция қилган ҳолда, жиноят содир этиш хавфи юқори бўлган шахсларни сунъий интеллект ёрдамида «эрта огоҳлантирувчи» (Early Warning System) ягона рақамли тизимни ишга тушириш лоҳим бўлади ва **Жамоатчилик назоратининг рақамли платформасини ишга тушириш орқали:** «Маҳалла еттилиги» ва оддий фуқаролар ўз маҳалласида раҳбарлар томонидан ваъда қилинган инфратузилмавий ишлар (чироқлар, видеокамералар, иш ўринлари) ижросини бевосита баҳолаб боровчи «Хавфсиз маҳалла назорати» мобил иловасини яратиш. Бу раҳбарларнинг масъулиятини нафақат юқори турувчи органлар, балки бевосита жамият олдида ҳам таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар



1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 августдаги «Криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда жиноятларнинг олдини олиш бўйича манзилли чоралар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-253-сон қарори // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
2. Бобожонов Т.Р. Худудий бошқарувда раҳбар кадрларнинг масъулияти ва криминологик профилактика муаммолари. Илмий монография. – Т.: Юридик адабиётлар нашриёти, 2026. – Б. 45-52.
3. Randall J. Crime Prevention Through Environmental Design: Modern Approaches to Urban Safety. - New York: Academic Press, 2024. - P. 112-118.
4. Мустафоев З.М. Маҳаллабай ишлаш тизимида идоралараро ҳамкорликнинг янги ташкилий-ҳуқуқий асослари // Ҳуқуқ ва бурч журнали. – Тошкент, 2025. - №10. – Б. 18-24.
5. Harris K., Levin M. Multi-agency Partnership in Crime Prevention and Social Control // International Journal of Criminology. - London, 2024. - Vol. 14, Issue 3. - P. 89-95.
6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2025 йилдаги тезкор-статистик тўплами маълумотлари.
7. Исоқов С.А. Жиноятчилик ижтимоий профилактикасида муқобил методлар ва ижтимоий шериклик // Юридик фанлар ахборотномаси. – 2026. - №2. – Б. 55-61.



8. Валиев У.В. Профилактика фаолиятини интеллектуаллаштириш ва илмий муассасалар интеграцияси // Криминология тадқиқотлари даврий журнали. – 2025. - №4. – Б. 8-15.
9. Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институтининг 2025 йил якунлари бўйича республикадаги криминоген вазият юзасидан таҳлилий маърузаси.
10. Ҳакимов Э.Д. Жамоат хавфсизлиги соҳасида рақамли технологиялар ва геоинформацион тизимлар (GIS) самарадорлиги // Рақамли Ўзбекистон журнали. – 2026. - №1. – Б. 28-34.